



## **XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziyo ko'chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «8» июль

VI-30-35-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Вилоятда “Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари”ни амалга ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳақида**

“Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари”ни ташкил этиш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш тўғрисида вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи ўринбосари С.Худойбердиевнинг ахборотини халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик партияси депутатлик гурӯҳи тинглаганлиги ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгashi қилади.

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик партияси депутатлик гурӯҳининг 2021 йил 17 май кунидаги йиғилиши ZOOM дастури орқали ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Орипов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5088-сон қарори ижросини мутасадди ташкилотлар билан биргаликда муҳокама қилиб бориш тизимини йўлга қўйисин ва ҳар чорак якунида амалга оширилган ишлар бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин.

3. Термиз тумани (Ш.Ўринов), Денов тумани (Р.Пардаев), Шўрчи тумани (Б.Худойберганов) ҳамда Термиз шаҳри (И.Худойбердиев) ҳокимлари жорий йилнинг 1 сентябрь кунига қадар “Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари”ни ишга туширишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб, лойиҳаларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминласин ва жорий йилнинг 5 сентябрига қадар халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Орипов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастер агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси (М.Абдурахмонов), туман (шаҳар) ҳокимликлари:

вилоятдаги “Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари”ни ташкил этишда вужудга келаётган муаммоларни аниклаб бориш ва бартараф этиш чораларини кўрсин;

“Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари”ни ташкил этишда маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари, тегишли ташкилотларга аник таклифларни мунтазам киритиб бориш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тизимли ишларни йўлга қўйсин;

вилоятда “Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари” учун таклиф этилаётган ерларнинг расмийлаштирилишини тезлаштириш чораларини белгиласин;

“Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари”даги тадбиркорлик субъектларига кредит ажратилиши борасида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиб борсин;

“Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари”даги тадбиркорлик субъектларига курилиш материалларининг етказиб берилишини назоратга олсин;

Амалга оширилган ишлар бўйича ҳар чорак якуни билан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма маълумотлар киритиб бориш тизимини йўлга қўйсин.

5. “Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” (М.Шамситдинов), ҳудудгаз Сурхондарё газ таъминоти филиали (М.Мансуров), вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси (Ж.Қиличев), “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ (Б.Гулямов) саноат зоналарида тадбиркорликни йўлга қўйиш учун зарур бўлган коммуникация тузилмасини яратиб бериш чораларини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар бўйича ҳар чорак якуни билан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма маълумотлар киритиб бориш тизими йўлга қўйилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал демократик партияси депутатлик гурӯҳи аъзоси (Д.Сувонова) зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаши раиси



Bobolov T.A.